

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ МАЖЛИСИ

БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИНИ СУД АМАЛИЁТИДА ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш борасида амалга ошири-
лаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда божхона органлари фаолияти замон талабларига мос такомиллаштириб бори-
лаётгани ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда. Дав-
латимиз раҳбарининг 2013 йил 29 январда қабул
қилинган "Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган
маҳсулотларнинг рақобатдошлигини янада оши-
риш ва товарларни республикага ноқонуний олиб
киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги
қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Божхона қонунчилигини бузиш иқтисодий
барқарорликка бевосита салбий таъсир қилади.
Шу боис божхона соҳасидаги қонунлар ижро-
сини таъминлаш, уларни амалиётга самарали
татбиқ этиш борасида судлар изчил фаолият
юртмоқда. Пленум мажлисида муҳокама этил-
ган "Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва
контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти
тўғрисида"ги Олий суд Пленуми қарори лойиҳаси
ушбу йўналишдаги фаолиятни янада такомиллаш-
тиришга қаратилган.

Соҳага оид қонунларни судлар томонидан тўғри
қўллаш юзасидан Олий суд Пленумининг 1996 йил 27
февралда "Контрабанда ва божхона қонунларини бузиш
тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги
ҳамда 1998 йил 28 декабрда "Ўзбекистон Республика-
си Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 26 декабрда
тасдиқланган Божхона кодексининг қабул қилиниши
муносабати билан суд амалиётида вужудга келган ай-
рим масалалар тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинган.
Мазкур қарорлар божхона қонунчилигини амалда тўғри
қўллаш бўйича судлар учун муҳим асос вазифасини
ўтамоқда.

Шу билан бирга, ўтган даврда Жиноят кодекси-
нинг 182 ва 246-моддалари, Маъмурий жавобгарлик
тўғрисидаги кодекснинг 227-моддаси ҳамда Божхона
кодексига юздан ортқ ўзгартиришлар киритилди. Таби-
ийки, бу Олий суд Пленуми қарорларини ҳам такомил-
лаштириш заруратини юзага келтирди. Пленум қарори
лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ишчи гуруҳи то-
монидан судларда қўрилган божхона тўғрисидаги қонун
ҳужжатларини бузишга оид жиноят ишлари ўрганилиб,
умумлаштирилди. Шунингдек, мутасадди идоралар то-
монидан тақдим этилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар
асосида қарор лойиҳаси тайёрланди.

Пленумда кўриб чиқилган масалалар юзасидан те-
гишли қарорлар қабул қилинди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

«INFOSOM-2013» ҲАФТАЛИГИ

Мамлакатимизда 23-28 сентябрь кунлари анъанавий
«InfoCOM-2013» ахборот-коммуникация технологиялари
(АКТ) ҳафталиги бўлиб ўтади.

Президентимиз Ислон Ка-
римовнинг шу йил 27 июнда-
ги қарори билан тасдиқланган
2013-2020 йилларда Ўзбекистон
Республикасида телекоммуни-
кация технологиялари, алоқа
тармоқлари ва инфратузилма-
сини ривожлантириш дастури-
нинг қабул қилиниши мамлака-
тимизда ахборот ресурслари,
тизимлари ва тармоқларини
жадал ривожлантиришда янги
босқични бошлаб берди.

2004 йилдан буён сентябрь
ойи охирида анъанавий тарзда
ўтказиб келинаётган «InfoCOM»
ҳафталиги бу борада ҳаётга
муваффақиятли татбиқ эти-
лаётган ислохотлар самараси
бўлиб, мутахассислар ва ахбо-
рот технологияларидан фой-
даланувчиларда катта қизиқиш
уйғотмоқда.

Ҳафталик давомида соҳани
янада такомиллаштиришга
қаратилган қатор тадбирлар ҳам
бўлиб ўтади.

23 сентябрь куни шу йил 13
августда бошланган UZ-2013
миллий домени интернет-
фестивалининг якунлари
сарҳисоб қилинади.

Фестиваль танлов дастури ўн
мавзу ва иккита махсус номина-
цияни ўз ичига олади. Бу йилги
фестивалда интерфаол хизмат-
лар кўрсатишга алоҳида эътибор
қаратилиб, "Тармоқ сервислари
соҳасидаги энг яхши сайт" номи-

нациясида махсус «Электрон
тижорат» йўналиши ҳам жорий
этилган.

Танлов дастурига ҳар бир
мавзу бўйича иштирокчилар
учун WWW.UZ миллий излаш
тизимининг махсус мукофоти
киритилган. Маълум вақт ичида
ўз номинациясида энг кўп балл
тўплаган ўн та сайт ғолиб деб
топилади.

24 сентябрь куни ўтказила-
диган Ахборот-коммуникация
технологиялари бўйича мил-
лий саммит мамлакатимиз АКТ
соҳасидаги асосий воқеалардан
бири бўлади. Ушбу тадбир мил-
лий экспертлар ва халқаро му-
тахассисларда катта қизиқиш
уйғотмоқда. Саммит ўтказилган
дастлабки йилларда икки юз на-
фарга яқин делегат қатнашган
бўлса, бугунги кунда иштирокчи
мутахассислар сони икки баро-
бар кўпайди.

Саммит мутахассислар, дав-
лат органлари, халқаро ташки-
лотлар ва хусусий секторга АКТ
бозорининг бугунги аҳволини
таҳлил қилиш, бу борадаги энг
сўнгги ютуқлар билан танишиш,
янги ишончли шериклар топиш,
мамлакатимизда АКТни янада
жорий этиш учун қўшимча ин-
вестиция ресурсларини жалб
қилиш имконини беради.

«InfoCOM-2013» ҳафталиги
доирасида 25-27 сентябрь
кунлари Тошкент ва Жиззах

шаҳарларида бир пайтнинг ўзида
анъанавий «ICTExpo» ахборот тех-
нологиялари миллий кўргазмаси
ҳам ўтказилади.

Кўргазма иштирокчилари ҳаётга
татбиқ этилган «электрон ҳукумат»
лойиҳасининг энг яхши намуна-
ларини тақдим қилади. Кўргазма ягона
давлат маълумотлар базасини таш-
кил қилиш ва аҳолига интерфаол
хизмат кўрсатиш бўйича самарали
ечим топишга кўмаклашади. Давлат
бошқаруви ва ҳокимияти органла-
ри «электрон ҳукумат» соҳасидаги
тайёр таклифлар билан танишиш,
малакали маслаҳат олиш ва ре-
жалаштирилаётган лойиҳаларни
амалга ошириш учун шерик топиш
имконига эга бўлади.

Кўргазма дастуридан таълим-
га оид кўллаб семинарлар, давра
суҳбатлари, турли тадбир ва тан-
ловлар ўрин олган. «ICT-Expo-2013»
кўргазмаси ахборот-коммуникация
технологиялари соҳасида ўзаро
манфаатли ҳамкорликни янада ри-
вожлантириш ва мустаҳкам амалий
муносабатларни йўлга қўйишга хиз-
мат қилади.

АКТ ҳафталигининг сўнгги кунда
ёшлар ўртасида дастурий таъминот
ишлаб чиқиш бўйича «Best Soft
Challenge» танлови ғолиблари
тантанали равишда мукофотла-
нади.

АКТ ҳафталиги охирида е-спорти
бўйича «Uzbekistan Cyber Games-
2013» Ўзбекистон чемпионатининг
финал босқичи ва унинг ғолибларини
тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

АКТ ҳафталиги ҳақидаги батаф-
сил ахборот билан www.ictweek.uz
сайтида танишиш мумкин.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган,
шунингдек сўнгги пайт-
да қабул қилинган бошқа
ҳужжатларнинг тўлиқ мат-
ни билан norma.uz сайтида
танишиб чиқишингиз мум-
кин.



МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 28.08.2013 йилдаги 237-сон
қарори билан 2011–2013 йилларда саноат кооперацияси
асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва матери-
аллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига
тузатиш киритилди.

Ҳужжатга кўра Дастурга 11 корхона амалга оширадиган
15 та янги лойиҳа киритилди.

Белгиланишича, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга
олинган қарорига мувофиқ Маҳаллийлаштириш дастурига
киритилган ташкилотларга Президентнинг 27.01.2009 йилда-
ги ПҚ-1048-сон қарорининг 3-банди билан назарда тутилган
имтиёзлар: божхона тўловлари бўйича – мазкур қарор қабул
қилинган пайтдан бошлаб; солиқлар бўйича – 2013 йил 1
сентябрдан бошлаб қўлланади.

Шуни эслатиб ўтамизки, Президентнинг ПҚ-1048-сон
қарори 3-бандига мувофиқ:

четдан олиб келинадиган, республикада ишлаб
чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар ва уларнинг
эҳтиёт қисмлари, шунингдек маҳаллийлаштириладиган
маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологик жараёнида фой-
даланиладиган компонентлар учун божхона тўловлари (бож-
хона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган
маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ
солишининг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъ-
ектлар учун);

маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш
учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари
бўйича мол-мулк солиғи тўлашдан озод қилинади.

Қарор билан бир корхона тугатилганлиги муносабати би-
лан Маҳаллийлаштириш дастуридан чиқарилди.

ЗОБИТЛАР УЧУН ЯНГИ МАДАНИЯТ САРОЙИ

Вазирлар Маҳкамасининг 29.08.2013 йилдаги 239-сон
қарори билан Мудофаа вазирлигига Авиасозлар мада-
нийат ва техника саройи бинолари, иншоотлари ва мол-
мулкни текинга бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.
Ушбу идорага артезиан қудуғи бўлган насос станцияси
биноси ва умумий майдони 2,16 га бўлган унга туташ
худуд ҳам берилади.

Пойтахтнинг Ҳамза туманидаги Авиасозлар кўчасида жой-
лашган ушбу мулккий комплекс тезкор бошқарув ҳуқуқида Му-
дофаа вазирлигига берилади, у мазкур мол-мулкдан самара-
ли ва мақсадга кўра фойдаланишни таъминлаши лозим.

Шунингдек ҳужжат билан Вазирлар Маҳкамасининг
«ТАПОиЧ» ДАЖ ижтимоий инфратузилмасини
мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига
(14.04.2011 йилдаги 111-сон) ўзгартириш киритиш назарда
тутилган. Унга кўра Тошкент шаҳри Ҳамза туманида жой-
лашган «ТАПОиЧ» ДАЖ «Теннис кортлари» спорт маркази
«Ўзавтосаноат» АКга компания устав фондида давлат улу-
шини кўпайтириш ҳисобига тугатиш қийматида берилиши
керак.

Ҳужжат Президентнинг 1.07.2013 йилдаги «Тошкент
давлат юридик университетининг моддий-техник базаси-
ни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга доир чора-тадбирлар
тўғрисида»ги Ф-4094-сон Фармойишини бажариш ҳамда
Мудофаа вазирлиги қўшинларида маънавий-маърифий
ва маданий-кўнгилочар ишларни янада такомиллаштириш
доирасида қабул қилинган. Кўпчилик тошкентликлар Зобит-
лар округ уйи биноси юридик университетга берилганидан
хабардорлар. Эндиликда ҳарбийларимизнинг ҳам ўз Мада-
нийат саройлари бўлади.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни
таҳририят эксперт-юристлари тайёрладилар.

2 сентябрда мамлакатимиздаги барча мактабларда «Биринчи кўнғироқ» янгради. Ота-оналар олдида фарзандларини мактаб дарсликлари ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш масаласи яна кўндаланг бўлди.

ДАРСЛИКЛАР ИЖАРАСИ: НИМА ҚАНЧА ТУРАДИ?

Ота-оналар зарур дарсликларни мустақил равишда харид қилиш ёки ижарага олишга ҳаққилар. Ўқув қўлланмаларини тақдим этиш тартиби Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида низо (ХТВ, МВ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг АВ томонидан 14.01.2010 йилда 2064-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – Низом) билан белгиланади.

тематика, Табиатшунослик, Одобнома, Мусиқа, Жисмоний тарбия), унга 7 100 сўм тўланади.

Бешинчи синф ўқувчилари мактаб кутубхонасидан 6 200 сўмга 9 та дарсликдан иборат (Она тили, Адабиёт (1,2-қисм), Рус тили, Тарихдан ҳикоялар, Математика, Ботаника, Табиий география бошланғич курси, Информатика, Ватан туйғуси) тўплам олишлари мумкин.

6-синф ўқувчилари учун 10 та дарслик (Она тили, Адабиёт (1-2 қисм), Рус тили, Тарих, Математика, Физика, Ботаника,



лари, Чизмачилик) таълим олиш таклиф этилган, улар учун ижара тўлови 10 200 сўм миқдоридан белгиланган.

Ўзбек, туркман, қирғиз, қozoқ, тожик ва қорақалпоқ тилларида таълим берилувчи мактаблар учун дарсликлар ижара тўлови қиймати ҳақида ХТВнинг сайтидан (<http://uzedu.uz>) маълумот олиш мумкин.

Низомга кўра дарсликларнинг бутун тўплами берилиши керак, ижара тўлови эса 30 сентябрдан кечиктирмай тўланиши шарт, зарур ҳолларда мактаб маъмуриятига ижара тўловини кечиктиришни сўраб мурожаат қилиш мумкин (50% и жорий йилнинг 30 сентябригача, қолган қисми 30 ноябригача тўланади).

чи ҳужжатларда (ҳисобварақ-фактурада, юкхатда) кўрсатилган унинг қиймати куйидаги миқдорларда тўланади:

умумтаълим мактаби 1-синф ўқувчилари учун – 1 баравари миқдоридан;

2–4-синф ўқувчилари учун – 2 баравари миқдоридан;

5–9-синф ўқувчилари учун – 4 баравари миқдоридан.

Дарсликлар тўплами учун ижара тўлови тўлангандан кейин ўқувчи бошқа умумтаълим мактабига ўтганида, унга вақтинчалик фойдаланишга берилган дарсликлар тўплами мактаб кутубхона жамғармасига қайтарилиши лозим.

Бунда бошқа умумтаълим мактабида ўқувчининг худди шундай дарсликлар тўплами билан ижара асосида таъминланиши ижара тўлови олинмасдан амалга оширилади. Ижара тўловининг тўланганлиги тўлов ҳужжати нусхаси ва олдинги умумтаълим мактабининг маълумотномаси билан тасдиқланиши лозим.

Шуни эслатиб ўтамизки, 1-синфлар ўқувчилари, «Меҳрибонлик» уйлари, ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари бўлган ўқувчилар, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган oilалардаги ўқувчилар мактаб кутубхона жамғармасидан дарсликлар билан бепул таъминланади. Ўқув йили ту-гагач олинган дарсликлар ва ўқув-методик

Информатика, География, Ватан туйғуси) ота-оналарга 6 100 сўмга тушади.

7-синф ўқувчиларига ижара тўлови 7 400 сўм бўлган 13 та китоб (Она тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика) керак бўлади.

Халқ таълими тизимида 9 765 та мактаб, 4 962 та мактабгача таълим муассасаси, 211 та «Баркамол авлод» болалар маркази, 299 та мусиқа ва санъат мактаби, 455 та болалар ва ёшлар спорт мактаби, 27 та «Меҳрибонлик» уйи, 16 та педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, 5 та педагогика институти фаолият юритади.

8-синф ўқувчилари учун 16 та дарсликдан ташкил топган (Она тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика, Чизмачилик) тўплам назарда тутилган бўлиб, ота-оналар улар ижараси учун 9 900 сўм тўлайдилар.

Битирувчиларга 16 та китобдан (Она тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Информатика, Физика, Кимё, Биология: цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асос-

Ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан бир йиллик ижара шартномаси тузилади, унда улар китобларни кейинчалик фойдаланишга яроқли ҳолда топшириш мажбуриятларини оладилар, шунингдек мазкур Низом (5-илова) билан тасдиқланган дарсликларни ижарага бериш тўғрисида

Йил охиригача чет тил кабинетларини жиҳозлаш дастури доирасида 1-9-синфларнинг 3 942 та кабинети замонавий компьютерлар билан, 17 222 та DVD магнитолари, 200 та электрон тахталар, шунингдек кўргазмалар воситалар билан жиҳозланади.

намунавий шартнома тузилади.

Дарсликларни йўқотиш ёки кейинчалик фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келтириш ҳолатларида зарар худди шундай дарслик билан қопланади ёхуд бирлам-

қўлланмалар тўлиқ ҳажмда кутубхонага кейинчалик ҳисобдан чиқариш ва утилизацияга топшириш учун қайтарилади.

Ольга КИРЬЯКОВА,
муҳбиримиз.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҲИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	9.09.2013	1	0,7844	1	1,0331	1	0,0236
Арманистон	6.09.2013	1	412,14	1	540,44	1	12,33
Беларусь	9.09.2013	1	9040,00	1	11860,00	1	270,50
Грузия	9.09.2013	1	1,6625	1	2,1789	100	4,9725
Қozoғистон	9.09.2013	1	153,01	1	200,89	1	4,58
Қирғизистон	9.09.2013	1	48,9592	1	64,2859	1	1,4644
Латвия	9.09.2013	1	0,535000	1	0,702804	1	0,016000
Литва	10.09.2013	1	2,6201	1	3,4528	1	0,078562
Молдова	9.09.2013	1	12,8109	1	16,7893	1	0,3834
Россия	7.09.2013	1	33,4338	1	43,8919	—	—
Тожикистон	11.09.2013	1	4,7673	1	6,1112	1	0,1485
Украина	9.09.2013	100	799,3000	100	1048,4418	10	2,3907
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГАНИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 9 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари.....	1963,59	1 Малайзия ринггити.....	644,51
1 Англия фунт.....	—	1 Польша злотийси.....	658,6
стерлинг.....	3340,19	1 СДР.....	3221,00
1 Дания кронаси.....	377,13	1 Туркия лираси.....	1041,90
1 БАА дирҳами.....	581,34	1 Швейцария франки.....	2274,94
1 АҚШ доллари.....	2135,26	1 ЕВРО.....	2813,95
1 Миср фунти.....	309,23	10 Жанубий Корея вонини.....	19,63
1 Исландия кронаси.....	17,58	10 Япония иенаси.....	214,32
1 Канада доллари.....	2054,12	1 Россия рубли.....	63,87
1 Хитой юани.....	349,12	1 Украина гривнаси.....	267,14

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

УШБУ
СОНДА:

• УСТУВОРЛИКЛАР

– Божхона қонунчилигини суд амалиётида қўллаш масалалари

– «InfoCOM - 2013» ҳафталиги

– Янги ҳужжатларни тақдим этиш

1-бет

• ОТА-ОНАЛАРНИНГ МАКТАБ ТАШВИШЛАРИ

– Дарсликлар ижараси: нима қанча туради?

– Валюталар курси

2-бет

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– Умумий ҳовлини тартибсиз қурилишлардан ҳимоя қилайлик

– Квартирани ижарага берамиз

– Навоийга боришингизга тўғри келади

– Шовқин солувчига чора борми?

– Қўшнимизникида... итхона бор!

– Пропискадан чиқариб, хотиржам яшамоқчиман!

– ХУМШ ва унинг аъзосининг ўзаро муносабатлари: қўп бериладиган саволлар

– Тежамкорлар учун оддий маслаҳатлар

3-6-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Хорижлик ходим билан ишлаганда...

7-бет

• БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

– Алданиб қолган ёмон

8-бет



МУНДАРИЖА:

- ✓ Умумий ҳовлини тартибсиз қурилишлардан ҳимоя қилайлик
- ✓ Квартирани ижарага берамиз
- ✓ Навоийга боришингизга тўғри келади
- ✓ Шовқин солувчига чора борми?
- ✓ Қўшнимизникида... итхона бор!
- ✓ Пропискадан чиқариб, хотир-жам яшамоқчиман!
- ✓ ХУМШ ва унинг аъзосининг ўзаро муносабатлари: кўп бериладиган саволлар
- ✓ Тежамкорлар учун оддий маслаҳатлар



Қонун ҳужжатларини тушунтирамиз

УМУМИЙ ҲОВЛИНИ ТАРТИБСИЗ ҚУРИЛИШЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК

Одатда атрофимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларга унчалик ҳам аҳамият беравермай-миз, гўё шундай бўлиши керакдек туюлади, камчиликлар эса, аксинча, тезда ҳамманинг эътиборини ўзига жалб этади. Бу гаплар тўлиқ даражада шаҳарсозликка ҳам тааллуқли. Узоқ вақтга мўлжалланган давлат дастури босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида шаҳарларимиз ва аҳоли пунктларининг қиёфаси таниб бўлмас даражада, яхши томонга ўзгармоқда. Бажарилган ишлар миқёси бўйича мамлакатимиз пойтахти алоҳида ўрин тутади. Тошкент ҳақида аввало республикамиз меҳмонлари завқ-шавқ билан гапирмоқдалар.

Бироқ, шаҳарсозлик соҳасидаги ижобий ўзгаришлар, эришилган натижаларни таъкидлаган ҳолда, ушбу мақолада кейинги йилларнинг жиддий муаммосига айланган бир нохуш ҳолат масаласини кўтариб чиқишни хоҳлардим. Бу – шаҳарлар мавзеларида кўп квартирали уй-жойлар орасида тасдиқланган ҳудудни қуриш бош режаларида назарда тутилмаган, алоҳида жойлаштирилган ишлаб чиқариш, савдо, умумий овқатланиш, сервис хизмати кўрсатиш ва бозор инфратузилмаси объектларининг барпо этилишидир. Бундай ноқонуний қурилмалар туфайли турар жой мавзелари ҳудудида истиқомат қилишнинг санитария-гигиена, ёнғиндан сақлаш ва бошқа фойдаланиш шарт-шароитлари ёмонлашади. Ноқонуний қурилишни асосан амалдаги шаҳарсозлик қоида ва меъёрларини билмайдиган (кўпинча уларни назарга илмайдиган) жисмоний ва юридик шахслар амалга оширадilar.

Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, шаҳар ва аҳоли пунктларида объектлар қурилишини тартибга соладиган асосий меъёрий ҳужжатлардан бири 2.07.01-03-ШНК "Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш ва ҳудудида қурилишларни режалаштириш" ҳисобланади.

Ушбу меъёрий ҳужжатнинг 20.7-бандига кўра турар жойни реконструкция қилаётганда қоидага кўра мавжуд капитал турар жой ва жамоат қурилмалари сақланиши ҳамда модернизация қилиниши керак. Санитария-гигиена, ёнғиндан сақлаш, конструктив, қурилиш ҳамда шаҳарсозликнинг бошқа меъёрлари ва қоидаларига риоя этган ҳолда янги бинолар ва иншоотлар қурилиши, мавжуд турар жой ва жамоат биноларининг қуйи қаватларидан вазифасига кўра фойдаланишни ўзгартириш, биноларга янги қаватлар қуриш, болохона қаватларини барпо этиш, ер усти ва ер ости маконларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

21.1-банднинг талабига кўра (янги қурилиш учун) турар жой бинолари, турар жой ва жамоат, шунингдек ишлаб чиқариш бинолари ўртасидаги масофани инсоляция ва ёритилиш, асосий турар жойлар ва квартиралар



ўртасидаги кичик ҳовлиларни кўриш изоляцияси ҳисоб-китоблари асосида, шунингдек ёнғиндан сақлаш талабларига мувофиқ қабул қилиш керак.



*Таҳририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.



Кўп квартирали турар жой биноларининг узун томонлари ўртасида масофаларни қуйидагича қабул қилиш керак (хоналарнинг кўринмаслиги талабидан келиб чиқиб):

баландлиги 2 ёки 3 қават бўлган турар жой бинолари учун – **камида 15 метр**;

4 ва 5 қаватли бинолар учун – **камида 25–30 метр**.

Ана шу биноларнинг узун томонлари ва бурчак томонлари ўртасида турар жой хоналарининг деразасидан қаралганда – **камида 10 метр**.

9 қаватли ва ундан баланд биноларнинг узун томонлари ўртасидаги масофа – **камида 40–45 метр**. Ушбу биноларнинг турар жой хоналарининг деразалари бўлган бурчак томонлари ўртасида – **камида 20–25 метр**.

Реконструкция қилиш ва бошқа мураккаб шаҳарсозлик шароитларида кўрсатилган масофалар инсоляция, ёритилиш меъёрлари ва ёнғиндан сақлаш талабларига риоя этилган, шунингдек турар жойларнинг (хоналар ва ошхоналарнинг) деразасидан бошқа деразаларга қаралганда кўринмаслик таъминланган тақдирда қисқартирилиши мумкин.

Сейсмик ҳолати 8 балл ва ундан юқори майдончаларда турар жой биноларининг узун томонлари ўртасидаги масофа энг юқори бинонинг икки баравар баландлигидан кам бўлмаслиги керак.

Мавжуд мавзеларда кўп квартирали турар жой бинолари ўртасида исталган мақсаддаги объектларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди, бундан махсус бинолар ва қурилмалар (спорт майдончалари, болалар учун ўйин майдончалари, ювилган кирни қуриши майдончалари, автомобиллар учун вақтинча тўхташ жойлари) мустасно.

Бундай меъёрий талабларнинг мавжудлигига ва тегишли органлар томонидан ушбу соҳадаги кўпдан-кўп қоидабузарлик ҳолатлари (объектив ва субъектив сабаблар туфайли) аниқланиши ва бартараф этилишига оид чоралар кўрилишига қарамай, доим ҳам кутилаётган натижаларга эришишга муваффақ бўлинмаяпти. Юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, ҳудудларни қуришнинг тасдиқланган бош режаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида Президентнинг **“Ижтимоий ва фуқаро объектларини лойиҳалаш ва қуришда тегишли тартиб ўрнатиш чоратадбирлари тўғрисида” (27.12.2011 йилдаги ПҚ-1666-сон) қарори қабул қилинди.**

Қарорнинг 2-бандида қуйидагиларнинг қатъиян тақиқланиши тўғрисида жуда муҳим талаб бор:

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини параллель равишда ишлаб чиқиш ва молиялаштириш билан бир вақтда қуриш ва реконструкция қилиш;

тегишли ваколатларга эга бўлмаган шахсларнинг қурилиш жараёнига ҳамда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилишига аралашуви;

шаҳарлар, шаҳарчалар ва туман марказларида қурилиши тугалланган мавзелар, кўп қаватли турар жой микрорайонлари (даҳалар)нинг ҳудудларида тасдиқланган бош режаларда назарда тутилмаган ишлаб чиқариш, савдо, умумий овқатланиш, сервис хизмати кўрсатиш ва бозор инфратузилмасининг алоҳида турган объектларини жойлаштириш, лойиҳалаштириш ва қуриш.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентнинг ушбу қарори 3-бандида қоидабузарлар учун жавобгарликнинг қатъий чоралари белгиланган: объектларни лойиҳалаштириш ва қуришда белгиланган тартибнинг бузилишига йўл қўйган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка, шу жумладан, **жиноий жавобгарликка** тортиладилар.

Шуни қайд этиш лозимки, Президентнинг ПҚ-1666-сон қарори қабул қилинганидан кейин ўтган давр ичида алоҳида турадиган объектларни мавзелардаги уйлар ўртасида жойлаштириш масаласи бўйича лозим даражада тартиб ўрнатишда ижобий тамойиллар кўзга ташланмоқда. Чунончи, тегишли назорат органлари томонидан 2013 йил бошидан буён ҳудудларни қуриш бош режаларини бузишнинг 50 дан ортиқ ҳолати аниқланди. Шундан 9 қоидабузарлик бўйича ҳужжатлар суд органларига берилди, 42 таси чора кўриш учун туманлар ҳокимликларининг ишчи гуруҳларига юборилди. Дарвоқе, Тошкент шаҳар ҳокимининг 8.04.2013 йилдаги “Тошкент шаҳрида автотранспорт сақлаш қурилмаларини ободонлаштириш ва шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқ тартибга келтириш тўғрисида”ги қарори ҳам Президентнинг ПҚ-1666-сон қарори қоидаларини бажаришга йўналтирилган.

Шу билан бирга давлат органлари томонидан шаҳарсозлик соҳасида қабул қилинган қарорларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш учун, назорат органларининг саъй-ҳаракатлари билан бир қаторда, жамоатчилик – мавзелар аҳолиси, ХУМШ, маҳаллалар аҳлининг фаол иштироки ҳам талаб этилади, бунга оммавий ахборот воситалари албатта жалб этилиши керак. **О**

Мирқодир ҲИДОЯТОВ, экспертмиз.



Нотариал расмийлаштириш

КВАРТИРАНИ ИЖАРАГА БЕРАМИЗ

Мен Ўзбекистонда икки йилча аввал энди квартирани ижарага беришда шартномани нотариусда тасдиқлатиш кераклиги хусусида қонун чиқибди деб эшитдим. Марҳамат қилиб айтсангиз, агар квартира менинг номимга расмийлаштирилган бўлса, квартирани ижарага беришда хотиним ва прописка қилинган бошқа шахсларнинг розилиги талаб қилинадими?

**З.Губайдуллин, пенсионер.
Қибрай тумани.**

- 30.12.2011 йилдаги ЎРҚ-313-сон Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига, хусусан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Фуқаролик кодекси, Уй-жой кодекси ва Солиқ кодексида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Энди Фуқаролик кодекси 603-моддасининг иккинчи қисмига кўра

фуқаролар ўртасида тузилган уй-жойни ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Битимни нотариал тасдиқлаш ҳужжатга нотариус томонидан тасдиқлаш ёзувини қайд этиш йўли билан амалга оширилади.

Фуқаролар ўртасида турар жойни ижарага бериш шартномасининг мав-

жуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159'-моддаси). 15 августдан бошлаб амал қилаётган ЭКИХдан

келиб чиқилса, бу 457 650 сўмдан 915 300 сўмгача демак.

Агар квартира сизнинг номингизга расмийлаштирилган, бироқ никоҳ даврида харид қилинган бўлса, у эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулки ҳисобланади ва кўчмас мулкнинг ижара шар-

тномасини нотариал тартибда тасдиқлатаётганда нотариусга хотинингизнинг розилигини тақдим этишингиз керак.

Бундан ташқари, ушбу квартирада доимий прописка қилинган барча вояга етган шахсларнинг розилиги керак бўлади.

Агар квартира хусусийлаштирилган бўлса, яъни хусусийлаштирилгандан кейин у бошқа шахсга ўтказилмаган бўлса¹, бунда хусусийлаштиришга розилик берган барча шахсларнинг розилиги ҳам талаб этилади. ❶

Ахтам ҲИКМАТОВ, адвокат.

ТАҲРИРИЯТДАН.

Шунингдек ижарага берувчилар квартирани ижарага беришдан олинadиган даромадларга жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинишини билишлари керак.

Агар квартира жисмоний шахсга ижарага берилса, солиқ солиш ижарага берувчи – квартира мулкдорининг солиқ органларига тақдим этадиган декларацияси асосида амалга оширилади.

Аввал солиқ органларига дастлабки декларация тақдим этилиши керак – у квартирани ижарага беришдан даромадлар пайдо бўлган кундан бошлаб биринчи ой тугаганидан кейин 5 кун ичида топширилади. Декларация асосида солиқчилар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ҳисоб-китобини энг кам ставкада (2013 йилда – 8%) амалга оширадilar.

Ушбу солиқ суммаси ҳар ойда, даромад олинган ойдан кейинги ойнинг 5-кунигача тўланади. Яъни, мисол учун, сентябрь учун солиқни 5 октябргача тўлаш лозим.

Кейинги йил 1 апрелгача ижарага берувчи якуний декларация тақдим этиши керак.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, турар жойни ижарага берганлик учун жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солиш шартномада белгиланган ижара ҳақи суммасидан келиб чиқиб амалга оширилади, бироқ у энг кам ставкалар асосида ҳисобланган ижара ҳақидан кам бўлмаслиги керак. 2013 йилда улар Президентнинг 25.12.2012 йилдаги ПҚ-1887-сон қарорига 25-иловада белгиланган ва қуйидагиларни ташкил этади:

Тошкентда бир ойда 1 кв.м учун – 3 000 сўм;

Нукусда ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда бир ойда 1 кв.м учун – 2 000 сўм;

бошқа аҳоли пунктларида бир ойда 1 кв.м учун – 1 000 сўм.

МИСОЛ. Жисмоний шахс Тошкентда жойлашган, умумий майдони 80 кв.м бўлган квартирани бошқа жисмоний шахсга ижарага беряпти. Ойлик ижара ҳақи суммаси шартномага кўра – 200 минг сўм.

Президентнинг ПҚ-1887-сон қарори билан тасдиқланган энг кам ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган ижара ҳақи суммаси ойига 240 минг сўмни (80 х 3 000) ташкил этади. Шартнома билан белгиланган ижара ҳақи (200 минг сўм) энг кам ставкалар асосида ҳисобланган суммадан (240 минг сўм) камлиги сабабли жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг 8%лик ставка бўйича ҳисоб-китоби 240 минг сўмдан келиб чиқиб амалга оширилади. Солиқнинг ойлик суммаси 19 200 сўмни (240 х 8%) ташкил этади.

¹Олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя битими амалга оширилгандан кейин, шунингдек мулк ҳуқуқи мерос қолдириш тартибда ўтганидан сўнг, бошқа шахсга ўтказиш ёки мерос қолдириш вақтидан қатъи назар, квартира (квартиранинг бир қисми), уй (уйнинг бир қисми) хусусийлаштирилган турар жой мақомини йўқотади.



НАВОИЙГА БОРИШИНГИЗГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ

Мен пойтахтда яшайман, бироқ Навоий шаҳрида квартирам бор. Унинг сотилишини Тошкент шаҳри нотариал идорасида расмийлаштиришим мумкинми? Ишим туфайли Навоий шаҳрига бора олмайман. Бундан ташқари, мўлжалимдаги харидорнинг ўзи Тошкентда яшайди, унга ҳам битимни шу ерда расмийлаштириш қулай.

К.Нуримов,

брокерлик фирмаси ходими.

- Йўқ, Навоийда жойлашган квартиранинг сотилишини Тошкент шаҳри нотариал идорасида расмийлаштириш, ҳатто бунга харидор рози бўлганда ҳам, мумкин эмас.

Гап шундаки, Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (адлия вазирининг АВ томонидан 30.03.2010 йилда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) 51-бандига кўра уй, квартира, уйнинг

ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимлар мулк жойлашган ҳудуддаги нотариал идорада тасдиқланади.

Бундан ташқари, кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар (олди-сотди, ҳадя, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросни қабул қилиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилади. Давлат рўйхатидан ўтказилadиган мол-мулкка доир ҳуқуқ улар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб юзага келади.

Шу сабабли тасдиқловчи устхатда нотариус тарафларга мазкур мол-мулк жойлашган жойдаги ер тузиш ва кадастр хизматида (илгари техник инвентарлаш бюроси деб номланган) давлат рўйхатидан ўтказилadиган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида битимни, шунингдек уни бекор қилиш тўғрисида битимни тақдим этиш зарурлиги тушунтирилганлигини кўрсатади. ❶

Ленара ХИКМАТОВА, адвокат.

ШОВҚИН СОЛУВЧИГА ЧОРА БОРМИ?

Кўп квартиралли уйимизда ёш йигит кўпинча овоз аппаратурасини энг баланд овозда қўйиб қўяди. Қўшнилари дашномларига жавобан у соат 6.00 дан 24.00 гача музиқани исталган баландликда тинглаш ҳуқуқига эгаман дейди. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

А.Аракелян, С.Бақоева ва бошқалар.
Самарқанд шаҳри.

– Турар жойлар ва уй атрофидаги ерлардан фойдаланиш, уларни сақлаш тартиби, уларнинг мулкчиликлари шаклидан қатъи назар, Турар жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари (ВМнинг 28.06.1994 йилдаги 325-сон қарорига 3-илова, бундан кейин - Қоидалар) билан белгиланган.

Ижарага олувчилар, ижарадорлар, турар жойларнинг эгалари ва улар билан бирга яшовчи шахслар турар жойлар ва асбоб-ускуналардан уларнинг вазифасига, Қоидалар шартларига ва техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги контракт (шартнома)га мувофиқ фойдаланишлари шарт.

Квартираларда осойишталик сақланиши керак. Проигривателлар, магнитофонлар, радиоприёмниклар ва телевизорлар, ҳар хил баланд товуш чиқарувчилардан фойдаланишга соат 23.00 дан бошлаб эрталаб соат 7.00 гача қўшнилари осойишталигини бузмайдиган даражада паст товушда қўйиш шarti билан йўл қўйилади. Турар жойда яшовчилар турар жойдан чиқиб кетаётиб радиоприёмниклар, товушни баландлатгичлар, телевизорларни ўчиришлари шарт (Қоидаларнинг 17 ва 18-бандлари).

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 192-моддасида белгиланишича, тунги вақтда, яъни соат 23.00 дан 6.00 гача фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз билан қўшиқ айтиш, музиқа асбобларида чалиш, товуш сигналлари бериш, хонадонларда, турар жойларнинг йўлакларини ва эшикларини, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, турар жой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш, фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса - учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида, мансабдор шахсларга эса - иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бироқ бу уйда яшовчилар кундузи ўз аудио-ёки видеоаппаратураларини қўшниларга ҳалақит бериш даражасида баланд қилиб қўйишлари мумкинлигини англаб етмайди. Қоидалар ва Уй-жой кодексига кўра уй-жой мулкдорлари жисмоний ва юридик шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмасдан, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу уй-жойга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эгалар.

Агар ижарага олувчи, ижарадор, мулкдор, уларнинг оила аъзолари ва улар билан бирга яшайдиган бошқа шахслар мунтазам равишда турар жойни бузсалар ёки унга шикаст етказсалар, ундан мақсадга кўра фойдаланмасалар ёки улар билан бир квартирада ёки бир уйда яшовчилар учун чидаб бўлмас шароитни юзага келтирсалар, огоҳлантириш ва жамоат таъсири чоралари эса натижа бермаса, уларни кўчириш масаласини қўйиш мумкин. Айбдорларни ижарага берувчи, ижарадор ёки бошқа манфаатдор шахслар талабига кўра кўчириш суд тартибида, бошқа турар жойни бермасдан амалга оширилади.

ҚЎШНИМИЗНИКИДА... ИТХОНА БОР!

Кўп квартиралли уйимизда яшовчи бир аёл ўз квартирасида бешта ит сақлайди. Аслини олганда мен ҳайвонларни ёқтираман, бироқ бу итларнинг кўриниши баҳайбат, биттаси эса жангари зотдан. Шу боис мен доим улар болаларимни тишлаб олиши мумкинлигидан хавфсираб юраман. Бундан ташқари, баъзан тунда итлар вовиллай ёки увиллай бошлашади. Марҳамат қилиб айтсангиз, қонунга кўра битта квартирада қанча ит сақлаш мумкин?

Е.А-ва.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани.

– Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидалари (ВМнинг 8.07.2011 йилдаги 202-сон қарорига 4-илова) Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни (хизмат итлари бундан мустасно) сақлаш тартибини белгилайди. Ушбу Қоидалар мазкур уй ҳайвонларининг барча эгалари, шу жумладан юридик шахслар учун мажбурийдир.

Санитария-гигиена ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилиш итлар ва мушукларни сақлашнинг мажбурий шarti ҳисобланади.

Кўп қаватли уйнинг алоҳида квартирасида қўшнилари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилиги

билан биттадан ортиқ бўлмаган итни сақлашга рухсат берилади.

Итлар очик жойларда сайр қилдирилганда (арқон билан ва тумшукбоғда) ва турар жой биноларида итларнинг эгалари тинчлик сақланишини таъминлашлари - эрталаб соат 8.00 гача ва кечқурун 22.00 дан кейин итлар вовиллашининг олдини олишлари керак.

Бундан ташқари, итларнинг эгалари итларнинг умумфойдаланишдаги жойларни (кириш жойларини, зинапоя майдончаларини, лифтларни, болалар майдончаларини, йўлкаларни, йўлакларни, кўкаламзорлаштирилган ва ободонлаштирилган ҳудудларни ва ҳоказоларни) ифлос қилишига йўл қўймасликлари,

умумфойдаланишдаги жойларда итлар қолдирган экскрементларни олиб ташлашлари, итларнинг қўшнилари тинчлигини бузиб тинимсиз вовиллашига йўл қўймаслик чораларини кўришлари шарт.

Шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида итлар, мушукларни боқиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан эгасиз ҳайвонларни туттириш чораларини кўрмаганлик фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса - иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. ○

Ленара ХИКМАТОВА, юрист.



ПРОПИСКАДАН ЧИҚАРИБ, ХОТИРЖАМ ЯШАМОҚЧИМАН!

Мен квартира мулкдориман. Унга қариндошим ҳам прописка қилинган, мен билан бирга яшайди. У одамларни тинч яшашга қўймапти: спиртли ичимликларни ҳаддан ташқари кўп ичади, жанжал кўтаради, идиш-товолларни синдиради, коммунал хизматларга ҳақ тўламайди. Мен у билан бирга яшашни истамайман. Уни квартирадан кўчира оламанми?

Х.Самигуллин,
меҳнат фахрийси.

— Сизга яшаш жойингиздаги фуқаролик ишлари бўйича судга исбот-далилларни тўплаган ҳолда қариндошингизни кўчириш тўғрисидаги даъво билан мурожаат этишни тавсия қиламиз. Масалан, хулқ-атвор нормаларига риоя этмаслик ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қайд этилган бўлиши мумкин. Коммунал хизматлар ҳақи тўланганлиги тўғрисидаги квитанциялар, квартирадаги мол-мулкнинг ҳолати тўғрисидаги далолатномалар ва бошқа ҳужжатлар сизнинг фойдангизга хизмат қилади.

Тахминан худди шундай вазиятга мисол келтирмоқчиман.

Даъвогар Н. судга жавобгар Б. устидан уни кўчириш даъвоси билан мурожаат қилди. Суд низолашилаётган хусусий уй мулк ҳуқуқида даъвогарга тегишли эканлигини аниқлади. Ана шу уйда бир хонада даъвогар, унинг ўғли ва келини ҳамда уларнинг боласи ва жавобгар прописка қилинган ҳолда яшашади. Уйга доир барча солиқлар, коммунал хизматлар ва бошқа мажбурий тўловларни даъвогар Н. тўлайди. Жавобгар уйни сақлашда ҳеч қанақасига иштирок этмайди.

Суд томонидан сўралган кўп сонли гувоҳларнинг кўрсатишича, даъвогар билан жавобгар ўртасида ноҳуш муносабатлар юзага келган, тез-тез жанжаллар бўлиб, улар қўшниларнинг осойишталигини бузаяпти.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (маҳалла қўмитаси) маълумотномасидан кўринишича, маҳалла фуқароларининг йиғилишларида жавобгарнинг хулқ-атвори бир неча марта муҳокама қилинган, чунки у доимо даъвогар билан жанжаллашиб юрган, ибосиз сўзлар билан ҳақоратлаган, кўпинча маст-аласт ҳолда бўлган. Бироқ жавобгарга нисбатан қўлланган жамоат таъсири чоралари ёрдам бермаган. Маҳалла яраштирув комиссияси аъзолари даъвогар билан жавобгар ўртасидаги низони тинч йўл билан ҳал этишга уринишлар ҳеч қандай натижа бермади деган хулосага келишди ва шунга асосан Н.га бирга яшаб бўлмаслиги муносабати билан судга мурожаат қилишни тавсия этишди.

Бундан ташқари, суд жавобгарнинг доимий яшаши учун яроқли бошқа турар жой майдонига эгалигини аниқлади.

Уй-жой кодексининг 70-моддасига кўра кўчириш суд тартибида амалга оширилади. Уй-жой кодексининг 74-моддасига мувофиқ, **агар муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги**

турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки у билан доимий яшаётган фуқаролар турар жойни бузаётган ёхуд шикастлантираётган ёки ундан ўз мақсади бўйича фойдаланмаётган ёхуд турмуш қоидаларини мунтазам бузиб бошқаларнинг у билан бир



квартира ёки бир уйда яшаш имконини бермаётган бўлсалар, бунда огоҳлантиришлар ва жамоат таъсир чоралари натижа бермаган бўлса;

шунингдек шартномада узоқроқ муддат белгиланмагани ҳолда ижарага олувчи турар жой ҳақини 6 ой тўламаган бўлса, қисқа муддатли ижарада эса шартномада белгиланган тўлов муддати ўтганидан сўнг икки мартадан ортиқ тўланмаган ҳолда **ижарага берувчи ёки ўзга манфаатдор шахсларнинг талаби бўйича айбдорларни кўчириш бошқа турар жой бермасдан амалга оширилади.**

Ушбу меъёр давлат уй-жойи учун белгиланган. Бироқ хусусий уй-жой фонди билан юзага келадиган бундай вазиятлар қонун ҳужжатлари ва бизнесининг ҳолатимизда тарафларнинг келишуви билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаганлиги сабабли қонуннинг ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи нормаси (қонун ўхшашлиги) қўлланиши мумкин (*Фуқаролик кодексининг 5-моддаси*).

Суд Уй-жой кодексининг 74-моддаси нормасини даъвогар Н.нинг мулкида бўлган хусусий уйга нисбатан қўллаб, қонун ўхшашлиги бўйича даъвогарнинг жавобгарни бошқа турар жой бермасдан кўчириш тўғрисидаги даъво талабларини тўлиқ қондирди.

Бундан ўзингиз учун хулоса чиқариб, ишга киришинг. ☉

Ахтам ҲИКМАТОВ, адвокат.

ФОЙДАЛИ МАЪЛУМОТ

Абонент томонидан совуқ сувни ҳисобловчи янги асбоб (ҳисоблагич) мустақил равишда ўрнатилганда, уни пломбалаш учун, Ўздавстандартнинг ўлчов асбоблари давлат реестрига кўра, қуйидаги ҳисоблагичларни давлат текширувидан ўтказиш талаб этилмайди (2013 йил сентябридаги маълумотларга кўра):

- ишлаб чиқарган корхона — «БЕТАР» ИЧТФ МЧЖ, Чистополь шаҳри, Татаристон Республикаси. Тури — СХВ-15, СХВ-15Д, СХВ-20, СХВ-20Д. Сертификатнинг амал қилиш муддати — 1.01.2015 йилгача;

- ишлаб чиқарган корхона — «Тошкент-ЦЕННЕР» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси. Сертификатнинг амал қилиш муддати — 22.08.2016 йилгача.

Абонентлар томонидан шаҳар савдо тармоғида харид қилинган бошқа ҳисоблагичлар, янги ва ишлатилганлари, ўрнатиш олдида мажбурий давлат текширувидан ўтказилади.

«Сувсоз» ДУК совуқ сув билан Тошкент шаҳрини таъминлайди, шу сабабли иссиқ сувга ёки мамлакатнинг бошқа туманларига тааллуқли бўлган саволларни бошқа тегишли инстанцияларга бериш керак. ☉

www.suvsoz.uz.



ХУМШ ВА УНИНГ АЪЗОСИНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИ: КЎП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

? *Ширкат мулкдорнинг хонадонига уни олдиндан хабардор қилмасдан кириш ҳуқуқига эгами? Қандай ҳолларда шундай қила олади?*

– Ҳа, бундай ҳуқуққа эга, бироқ фақат авария юз берганда ва мулкдорнинг ўзи ёки унинг вакили ҳозирлигида ёхуд ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳозирлигида қила олади.

Квартира мулкдори кўп хонадонли уйда авария вазиятлари юзага келганда ўзи эгаллаган хонадонга аварияни бартараф этиш учун тегишли таъмирлаш-фойдаланиш ташкилотларининг вакиллари қира олишини таъминлаши шарт, квартира мулкдори йўқ бўлган тақдирда хонадонга тегишли таъмирлаш-фойдаланиш ташкилотларининг кириши ички органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Ширкат бошқа мулкдорларнинг мол-мулкига ва/ёки умумий мол-мулкка шикаст етказилиши хавфини солаётган аварияни бартараф этиш учун мулкдорларнинг хонадонига дарҳол кириш (шу жумладан мулкдор ҳозир бўлмаган ва уларни авария пайтида хабардор қилиш мумкин бўлмаган тақдирда белгиланган тартибда) ҳуқуқига эгадир.

? *Ширкат жой мулкдорларидан алоқа боғлаш ахбороти ва хонадонда яшаётган кишилар миқдори тўғрисида маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эгами?*

– Ҳа, ширкат бундай ҳуқуққа эга.

Ширкат жой мулкдорларидан қуйдагиларни сўраб олиш ҳуқуқига эга: улар ёки уларнинг вакиллари билан алоқа боғлаш учун алоқа боғлаш ахборотини (почта ёки ва/ёки электрон манзил, телефон рақамлари); миқдори жойдан фойдаланувчиларнинг сонига боғлиқ бўлган умумий харажатларни тақсимлаш мақсадида хонадонда яшовчиларнинг миқдори тўғрисидаги маълумотларни.

Мулкдор ҳақиқатдаги яшаш жойи ўзгарганлиги ва алоқа боғлаш ахборотини хабар қилиши шарт.

? *Жой мулкдори мустақил равишда, ширкат билан келишмасдан туриб ўз квартирасини ижарага беришга ҳақлими?*

– Ширкат аъзоси:

унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган жойга унинг вазифасига мувофиқ мустақил равишда, ширкат ёки ширкатнинг бошқа аъзолари билан келишмасдан туриб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этишга, шу жумладан қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда уни ижарага беришга ҳақлидир.

Мулкдор:

мустақил равишда, ширкат билан келишмаган ҳолда унга мулк ҳуқуқида тегишли бўлган жойга, уйдаги бошқа мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузмаган ҳолда, унинг вазифасига мувофиқ эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф қилишга ҳақлидир.



? *Ширкатнинг кўп хонадонли уйида (уйларида)ги бир нечта квартиранинг мулкдорига ширкатнинг умумий йиғилишида нечта овоз тегишли бўлади?*

– Битта овоз.

Ширкатнинг ҳар бир аъзоси умумий йиғилишда битта овозга эга.

Агар битта мулкдорга кўп хонадонли уйда (уйларда) бир нечта турар жой тегишли бўлса, у ширкат битта аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади.

? *Агар мулкдор ҳам, бошқа ҳеч ким ҳам унинг жойидан фойдаланмаса ёки у умумий мол-мулкдан фойдаланмаса (масалан: у хонадонга алоҳида эшикдан қиради, биринчи қаватда яшайди ва лифтидан фойдаланмайди ва ҳоказо), мулкдор умумий харажатларда иштирок этмаслиги мумкинми?*

– Йўқ, мумкин эмас.

Мулкдорнинг ўзига тегишли бўлган жойдан фойдаланмаслиги ёки умумий мол-мулкдан фойдаланишдан бош тортиши уни умумий харажатлардан тўлиқ ёки қисман иштирок этишдан озод қилмайди.

Кўп хонадонли уйдаги жой мулкдорлари уни сақлаш бўйича умумий харажатларни бирга амалга оширишлари шарт.

Жойдан фойдаланмаслик ва/ёки умумий мол-мулкдан (ёки унинг қисмларидан) фойдаланишдан бош тортиш мулкдорни мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

? *Квартира мулкдорининг ширкатдаги аъзолиги қандай ҳолларда тугатилади?*

– Ширкатга аъзолик қуйидаги ҳолларда тугатилади: жойга доир мулк ҳуқуқи тугатилганда;

алоҳида турган кўп хонадонли уй-жой мулкдорларининг кўпчилиги томонидан ширкатдан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинганда;

ширкат тугатилганда;

турар жой белгиланган тартибда нотурар жойлар тоифасига ўтказилган тақдирда.

? Нотурар жойлар мулкдори ширкат аъзоси ҳисобланадими?

– Йўқ, нотурар жойлар мулкдорлари ширкат аъзоси ҳисобланмайдилар.

Кўп хонадонли уйдаги нотурар жой мулкдори билан муносабатлар улар билан мажбурий тартибда тузиладиган шартнома билан тартибга солинади.

Ширкат аъзолари бўлиб уйдаги (уйлардаги) турар жойларнинг мулкдорлари – жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади.

? Ширкат аъзоларининг вакили умумий йиғилишда қанча овозга эга?

– Вакил қанча ширкат аъзоси уларнинг йиғилишдаги вакили бўлиш учун ишончнома берган бўлса, ўшанча овозга эга бўлади.

Агар бир шахс жой мулкдорларидан бир нечасининг вакили бўлса, у ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида манфаатларини ифода қиладиган ҳар бир ширкат аъзосининг номидан алоҳида овоз беради.

? Жой мулкдори унга умумий мол-мулкнинг бир қисмини якка ўзи (танҳо) фойдаланишга ажратишни илтимос қилиши мумкинми, агар мумкин бўлса, қандай шартларда?

– Мумкин, агар у умумий мол-мулкнинг ажратилган қисми учун ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланган миқдорда ҳақ тўлаш мажбуриятини олса.

Умумий мол-мулкнинг алоҳида қисмлари ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда фойдаланиш учун ширкат аъзолари ёки бошқа шахсларга берилиши мумкин. Умумий мол-мулк алоҳида қисмларидан фақат ўзининг манфаатларида фойдаланадиган ширкат аъзоси ширкатга ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши белгиланган миқдорда ҳақ тўлаши шарт.

Шартлари: ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарори асосида ширкат умумий мол-мулки ва/ёки ер участкасининг алоҳида қисмлари танҳо фойдаланишга ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланган тартиб ва шартларда олинади.

? Ширкат аъзоси мажбурий бадалларни пул билан эмас, балки натура шаклида (мол-мулк, айрим турдаги ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш тарзида) тўлаши мумкинми?

– Мумкин, бироқ фақат қисман. Бунда умумий йиғилишнинг қарори талаб қилинади.

Ширкат аъзолари умумий йиғилишнинг қарорига кўра айрим ҳолларда мажбурий бадалларнинг бир қисмини пул шаклида тўлаш ширкат аъзоларининг умумий харажатларда иштирокининг бошқа турларига: ширкатга мол-мулк бериш ёки айрим турдаги ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш билан алмаштирилиши мумкин. Киритилаётган мол-мулкнинг қиймати бошқарувнинг мол-мулк киритилган кундаги қарори билан, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати эса ҳақиқатда шаклланган бозор нархлари асосида ишларнинг баҳоланган рўйхатига мувофиқ белгиланади.

? Башарти мулкдорларнинг манфаатларига зарар етказмаса, умумий мол-мулкнинг алоҳида қисмлари сотилиши мумкинми? Бунда қандай шартларга риоя этилиши керак?

– Сотилш ҳуқуқи фақат ажратиладиган қисмлар, яъни умумий мол-мулкнинг уйдаги жойлардан фойдаланиш имкониятларига зарар етказмасдан, шунингдек жой мулкдорларининг бошқа ҳуқуқ ва манфаатларини ҳамда умумий мол-мулкни бузмасдан сотиш мумкин бўлган қисмлари билан чекланган.

Улушбай эгаликда бўлган мол-мулкни тасарруф этиш унинг барча иштирокчилари келишуви бўйича амалга оширилади.

Кўп хонадонли уйдаги умумий мулк иштирокчилари қуйидаги умумий фойдаланишдаги мулкларга танҳо



эгалик қилишлари мумкин эмас: квартиралар ўртасидаги зина хоналари, зинапоялар, лифтлар, лифт шахталари ва бошқа шахталар, йўлаклар, техник қаватлар, мустаҳкамловчи ва тўсувчи конструкциялар, уйдан ташқарида ёки квартиралар ичида жойлашган, бирдан ортиқ мулкдорга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техник ва бошқа ускуналар, уйни ташқи томондан ободонлаштиришнинг барча элементлари, шунингдек умумий фойдаланишдаги бошқа жойлар. Кўп хонадонли уй турар жойлар мулкдорларининг умумий мулкида бўлган умумий фойдаланишдаги айрим объектлар,

умумий мулк барча иштирокчилари томонидан бир овозда қабул қилган қарорга асосан, қонун ҳужжатларига мувофиқ, учинчи шахсларга ўтказилиши мумкин.

Умумий мол-мулкнинг мулкдорларига ва уларнинг жойлардан фойдаланиши имкониятларига зарар етказмасдан бериш мумкин бўлган айрим қисмларини сотиш фақат уйдаги жой мулкдорларининг камида 75%и рози бўлгандагина амалга оширилиши мумкин.

? Жой мулкдори ширкатдан умумий харажатлар ва мажбурий ойлик ва мақсадли бадалларнинг миқдорлари бўйича асосланма талаб қилишга ҳақлими?

– Ширкат бошқаруви мунтазам, 3 ойда камида бир марта, ширкат аъзолари олдида умумий мол-мулкни сақлаш бўйича ишлар режаларининг бажарилиши, қилинган ва режалаштирилаётган харажатлар, мажбурий бадаллар ва тўловларни йиғиш, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар (фойда) тўғрисида ҳисобот беради. Ҳисоботни тақдим этиш шакли у билан ширкатнинг барча аъзолари таниша олишини таъминлаши керак ва у ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

Ширкат мажбуриятлари:

мулкдорларга умумий мол-мулкнинг ҳолати, қилинган ва бўлғуси харажатлар тўғрисида ахборот тақдим этиш, ширкат аъзолари олдида ҳисобот бериш;

умумий харажатларнинг ҳамда мулкдорнинг умумий харажатларга доир мажбурий ойлик ва мақсадли бадалларининг миқдорини асослаш.

Манба: www.e-kommunal.uz.

ТЕЖАМКОРЛАР УЧУН ОДДИЙ МАСЛАХАТЛАР

1 000 кВт-с электр энергиясини қандай қилиб тежаб қолиш мумкин?

1-МАСЛАХАТ: ОДДИЙ ЛАМПОЧКАЛАРНИ ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИЛАРИГА АЛИШТИРИНГ.

Сиз 10 та чўғланма лампочкани энергия тежовчи лампочкаларга алиштирганингизда йилига қарийб 800 кВт-с (89 760 сўм) тежашингиз мумкин.

Сезиларли тежам жадвали*

Қувват, Вт		Электр энергияси истеъмоли, кВт-с/йил		Электр энергияси қиймати (сўм)		1 та оддий чўғланма лампочка алиштирилганда йиллик тежам	
						кВт-с	сўм
40	9	80	18	8 976	2 020	62	6 956
60	11	120	22	13 464	2 468	98	10 996
100	20	200	40	22 440	4 488	160	17 952

*Лампочка суткасига 6 соат ишлаган ва 1 кВт-с электр энергияси қиймати 112,2 сўм бўлган ҳолда.



Энергия тежовчи лампочка оддийсига қараганда 10 барабар кўпроқ хизмат қилади.

2-МАСЛАХАТ: МАИШИЙ УСКУНАЛАРНИ ТАРМОҚДАН УЗИНГ.

Сиз йилига қарийб 200 кВт-с (22 440 сўм) тежайсиз.

Масалан, масофадан туриб бошқариш пультага эга телевизор куну тун кутиш режимида ишлайди, бу эса 25 кВт-ч электр энергиясини (2 805 сўмни) ортиқча сарфлашга олиб келади.

Оила бюджетининг бир йиллик тежами*

Кутиш режимидаги ускуна		кВт-с/йил	сўм
	Шахсий компьютер	50	5 610
	DVD-проигрыватель	40	4 488
	Телевизор	25	2 805
	Таймерли микротўлқинли печь	25	2 805
	Таймерли духовка	25	2 805
	Зарядловчи ускуна	20	2 244
	Колонкалар	15	1 683
ЖАМИ:		200	22 440


*Ўртача ҳисобда олинган маълумотлар.

3-МАСЛАХАТ: ЭНЕРГИЯ ИСТЕЪМОЛИ ПАСТ БЎЛГАН: А ЁКИ В ТОИФАЛИ ТЕХНИКАНИ ХАРИД ҚИЛИНГ.

Энг кўп тарқалган маиший ускуналарнинг бир йиллик энергия истеъмоли*

Ускуна	Электр энергияси истеъмоли, кВт-с/йил
Электр плита	400
Музлаткич	250
Совутгич	235
Кир ювиш машинаси	195
Телевизор	145

*Ўртача ҳисобда олинган маълумотлар.



Қанча тежашингизни ҳисоблаб кўринг!

Манба: www.uzbekenergo.uz.

ХОРИЖЛИК ХОДИМ БИЛАН ИШЛАГАНДА...



Жамият раҳбари қандай тайинланади, у билан меҳнат шартномаси тузиш зарурми?

— Жамият директорини, жамият таъсис ҳужжатларида коллегиял ижро этувчи орган назарда тутилган тақдирда, бошқарув аъзоларини ҳам тайинлаш тўғрисида қарорни, фақат агар унинг ягона иштирокчиси (акциядори) бўлса, жамиятнинг муассиси шахсан қабул қилади. Акс ҳолда корхона директори (бошқарув аъзолари) лавозимини тайинлаш масаласи жамият иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишининг қарорига асосан ҳал қилинади¹ («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» 6.12.2001 йилдаги 310-II-сон Қонун (бундан кейин — МЧЖ тўғрисидаги Қонун) 30-моддаси иккинчи қисмининг бешинчи хатбошиси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» 26.04.1996 йилдаги 223-I-сон Қонун (бундан кейин — АЖ тўғрисидаги Қонун) 65-моддаси биринчи қисмининг ўнинчи хатбошиси-га қаралсин).

Муассис ёки жамият иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишининг бундай қарори ёзма равишда қайд этилиши керак. У қарор, баённома ёки буйруқ шаклида бўлиши мумкин (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 35-моддасининг иккинчи қисми, АЖ тўғрисидаги Қонун 80-моддасининг учинчи қисми ва Меҳнат вазирлиги томонидан 6.09.1997 йилда 6/1-сон билан тасдиқланган Акциядорлик жамиятларида меҳнат муносабатларини тартибга солишни такомиллаштириш бўйича тавсияларнинг «Акциядорлик жамиятида меҳнат муносабатларини тартибга солиш хусусиятлари» боби 2-бандининг бешинчи хатбошиси маъносидан келиб чиқилган ҳолда).

Директор (бошқарув аъзоси) лавозимига тайинланган шахс билан меҳнат шартномаси тузилиши керак (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 39-моддасининг иккинчи қисми, АЖ тўғрисидаги Қонун 86-моддасининг тўққизинчи қисми, шунингдек юқорида кўрсатилган Тавсияларнинг 3.4-банди).



Чет эллик ходим Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириши ҳуқуқига тасдиқномани олиш учун Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентликка ҳужжатлар топшириладиганда корхона директори лавозимига тайинлаш мўлжалланаётган чет эллик шахснинг Ўзбекистон ҳудудида ҳозир бўлиши шартми?

— Тасдиқномани олиш жараёнида чет эл фуқаросининг ўзи иштирок этиши талаб қилинмайди. Шу боис унинг жамият муассиси (иштирокчилар (акциядорлар) умумий йиғилиши раиси) ёки унинг вакили томонидан ушбу чет эл фуқаросининг меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқнома олишга ҳужжатларни топшириш пайтида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлишига ҳеч қандай зарурат йўқ. Хорижий ишчи кучини жалб этиш ва ундан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш тартиби тўғрисида йўриқнома (Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 20.11.1996 йилда 285-сон би-

лан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин — 285-сон Йўриқнома) 12-банди биринчи хатбошисининг маъносидан келиб чиқиб бундай ҳулосага келиш мумкин.

Агар ишга жалб этилаётган чет эл фуқароси ҳужжатларни топшириш кунда Ўзбекистонда бўлса, қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳужжатлар орасида Агентликка тақдим этилаётган унинг миллий паспорти нусхасида меҳнат («Е»), ишбилармонлик («В-1», «В-2») ёки хизмат («S-3») визаларининг борлиги тўғрисида ахборот бўлиши керак (285-сон Йўриқнома 12-бандининг ўн учинчи хатбошиси).



Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган корхонанинг директори лавозимини эгаллаган чет эл фуқароси меҳнат шартномаси амал қиладиган муддат даврида республика ҳудудини узоқ вақтга тарк этишга ҳақлими?

— Ҳа, ҳақли, агар бу меҳнат шартномаси шартлари ёки муассисларнинг талабларини бузмаса. Ўзбекистонда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқнома олган хорижий давлат фуқароси тегишли кўп маротабалик визалар олган ҳолда меҳнат шартномаси амал қиладиган бутун даврда республика ҳудудига кириш ва унда қолиш ҳуқуқини (мажбуриятини эмас) олади.

Агар чет эллик директор иш жойини ўзбошимчалик билан тарк этса, меҳнат шартномасини бекор қилган жамият муассиси (иштирокчилар (акциядорлар) умумий йиғилиши) Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентликка бу ходим ишдан бўшатирилганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхасини ва унинг меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқноманинг асл нусхасини тақдим этиши шарт (285-сон Йўриқноманинг 13-банди).



Чет эл фуқароси бўлган ва Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлик томонидан берилган рухсатнома асосида меҳнат фаолиятига жалб этилган хорижий корхона ходимига меҳнат ҳақи қандай муддатларда ва қанча миқдорда тўланиши керак?

— «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (30.04.1998 йилдаги 609-I-сон) Қонун 12-моддасининг тўққизинчи қисмига мувофиқ чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ходимларининг меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистонда ишловчи чет эллик ходим меҳнатига ҳақ тўлаш масаласи у билан тузилган меҳнат шартномасида акс эттирилиши лозим. Бунда:

ходимнинг иш ҳақи миқдори қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмас (Меҳнат кодексининг 155-моддаси);

меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас (Меҳнат кодексининг 161-моддаси).

Бундай ходимнинг иш ҳақи бошқа давлатга (масалан, чет эл фуқаросининг доимий яшайдиган мамлакатига), норезидент жисмоний шахснинг даромад солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин,



бирон-бир чекловсиз ўтказилиши мумкин («Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонун 14-моддасининг иккинчи қисми).



Чет эл фуқаролари ўриндошлик шартларида ишга жалб этилишлари мумкинми?

— Ҳа, мумкин. Бундан 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низомнинг 1-банди тасдиқлайди.

Ушбу ҳолда ўриндошлик тўғрисидаги шартни хорижий ишчи кучини жалб этишга рухсатнома ва чет эл фуқаросининг меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқнома олиш учун Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентликка бошқа ҳужжатлар жумласида тақдим этиладиган контракт лойиҳасида назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.



Чет эл фуқаролари билан меҳнат шартномалари қандай муддатга тузилиши мумкин?

— Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлик томонидан берилган чет эл фуқаросининг меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқноманинг амал қилиш муддатига. Амалиётнинг кўрсатишича, ушбу муддат кўпинча ярим йилни ташкил этади.

Бироқ, бундай тасдиқномани олишдан аввал иш берувчи хорижий ишчи кучини жалб этиш ва ундан фойдаланишга рухсатнома олиши шарт. Бунинг учун у Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентликка қуйидагиларни тақдим этади:

- раҳбар имзолаган ва ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган ариза (бир нусхада);

- чет эл фуқаролари ёки хорижий фирмалар билан чет эллик мутахассисларни жалб этиш нияти ва шартлари тўғрисида олдиндан келишилганликни акс эттирадиган контракт лойиҳаси ва бошқа ҳужжатлар;

- чет эллик мутахассиснинг анкетаси, унинг фотосурати билан;

- расмийлаштириш ва рухсатнома бериш учун ҳақ тўланганлиги тўғрисида банк (касса) ҳужжати ва Агентлик талаб қиладиган бошқа зарур ҳужжатлар;

- жалб этилаётган мутахассис ОИТС инфекцияси билан касал эмаслигини тасдиқлайдиган сертификат.

Агентлик ҳужжатларни 30 календарь кун мобайнида кўриб чиқиши керак. Рухсатноманинг амал қилиш муддати одатда бир йилни ташкил этади.

Хорижий ишчи кучини жалб этиш ва Ўзбекистон Республикасида фойдаланишга олинган рухсатномага асосан иш берув-

чилар хорижда бўлган чет эл фуқароси билан муайян лавозимга олдиндан меҳнат шартномаси тузадилар. Шартномага иккала тараф имзо чекади, шундан кейин иш берувчи ёки унинг ишончли вакили Агентликка чет эллик мутахассиснинг меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқнома олиш учун мурожаат қилиб, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- иш берувчи имзолаган ва ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган ариза (2 нусхада);

- чет эллик мутахассисга раҳбар имзолаган ва ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган анкета (2 нусхада);

- Ўзбекистон ҳудудида чет эллик ходимни меҳнат фаолиятига жалб этиш нияти ва шартлари иш берувчи билан олдиндан келишилганлигини тасдиқлайдиган меҳнат шартномаси лойиҳаси;

- ташкилот муҳри билан тасдиқланган раҳбар мажбурияти;

- 2 фотосурат (3 x 4 ўлчамда);

- чет эллик ходим миллий паспортининг нусхаси (кириш визасининг амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда);

- иш берувчи томонидан аризада кўрсатилган лавозимга жалб этилаётган чет эллик ходимларда тегишли маълумот, малака ёки мутахассисликнинг борлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ва аҳоли бандлиги ҳудудий органидан чет эллик ходимни республика ҳудудида меҳнат фаолиятига жалб этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хат;

- амал қиладиган рухсатнома нусхаси;

- тасдиқномани расмийлаштириш ва бериш учун белгиланган тўлов тўланганлиги тўғрисида банк ҳужжати.

Тасдиқноманинг амал қилиш муддати (шу асосда ходим билан меҳнат шартномасининг ҳам амал қилиши) тугагач Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентликка уни узайтиришни сўраб мурожаат қилиш мумкин, бунда ҳужжатларнинг юқорида кўрсатилган рўйхати тақдим этилади (ЎЗР меҳнат ва аҳоли бандлиги ҳудудий органининг хатидан ташқари).

Тасдиқноманинг амал қилиш муддати такроран тугаганида уни бундан кейин узайтиришга (меҳнат шартномасини ҳам узайтиришга) фақат хорижий ишчи кучини жалб этиш ҳуқуқига рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш далилига кўра йўл қўйилади, у фақат бир марта ва бир йилдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Рухсатномани узайтириш лимити тугаганидан кейин иш берувчи Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентликка янги рухсатнома ва, бундан келиб чиққан ҳолда, янги тасдиқнома бериш сўралган илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Гўзал ИСЛОМОВА,
«BAKER TILLY Tashkent» МЧЖ
бошқаруви раиси.

¹МЧЖ устави билан директор (дирекция аъзолари) лавозимига тайинлаш тўғрисидаги масаланинг ҳал этилиши кузатув кенгаши ваколатига киритилиши мумкин, башарти жамиятда унинг барпо этилиши таъсис ҳужжатлари билан назарда тутилган бўлса (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 38-моддасининг иккинчи қисми).

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

АЛДАНИБ ҚОЛГАН ЁМОН

Бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларнинг давлатлараро ҳужжатларида, қоида тариқасида, сармоя, товарлар ва ресурслар, шу жумладан меҳнат ресурслари ҳаракатланувининг шартларини белгиловчи нормалар албатта кўрсатиб ўтилади. Бундай муносабатлар аввал мазкур алмашувлар оқимида қўшимча эркинлик ва тезкорлик бахш этадиган турли иқтисодий уюшма ва бирлашмаларда, эндиликда эса иқтисодиётнинг умумэтироф этилган глобллашув ҳолатида тажассум топди.

Бироқ ана шу жараённинг кўнгилсиз тарафи ҳам бор. Бу – иқтисодиёт соҳасидаги халқаро жиноятлардир. Жиноятчилар янги-янги жабҳаларни ўзлаштирмақдалар. Жумладан, компьютерлаштириш, IT-технологиялар жадал ривожланиб бораётганлиги электрон тижорат бозорини шакллантирди ва айнаи бир вақтда юсак технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларни келтириб чиқарди.

Шу билан бирга бизнес соҳасидаги “эски” жиноий ҳаракатлар муаммоси ҳам долзарблигича қолмоқда. Бундай муаммолардан бири одам савдоси бўлиб, эндиликда у иқтисодиёт соҳасидаги энг кенг тарқалган бешта жиноятнинг бири бўлиб турибди (бу борада пул билан ифодаланганда қалбаки тиббиёт воситаларини ишлаб чиқариш жинояти биринчи ўринни эгаллаб турибди. – *Муаллиф изоҳи*).

Одам савдосидек жирканч жиноятга Навоий вилоятида ҳам қўл урмоқдалар. Жорий йилнинг бошларидан буён ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар одам савдоси билан шуғулланиб келган 11 кишини аниқладилар ва жавобгарликка тортдилар. Хосият Мансурова (мақоладаги барча исм ва фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) бошида эри бор аёл, икки нафар фарзанднинг онаси. Ўзига тўқ оиладан. Айна пайтда у – замонавий кулфурушлардан. Хосиятхонда одам ёллашнинг синаб созланган тизими бор. У

нотинч оилаларнинг ёки ишга жойлашишда қийналиб юрган, турмушидан норизо ёлғиз оналарнинг қизларини ёлларди. Аввалига ўзини узоқ қариндош қилиб кўрсатар эди. Хайрихоҳ, саховатпеша кўринишидаги бу аёл қизларни бой араб оилаларида энагалик қилишдек катта ҳақ тўланадиган ишларга даъват қилар эди. Хизмат сафари мuddати оз эмас – камида бир йил эканлигини таъкидлашни ҳам унутмасди. Мансурованинг гапларига қараганда шу йўсин бир-икки йил ишлаб квартирали, автомобилли бўлиш, она юртига қайтгач, тўкин турмуш кечириш мумкин эди.

“Самарқанд” минтақалараро милиция постида бу аёлни 23 яшар ҳамроҳи Манзура билан тўхтатиб қолдилар. Атрофлича ўрганиш асносида шу нарсаси маълум бўлдики, энагалик қилишга чоғланган Манзура Боку орқали Бирлашган Араб Амирликларида бориши керак экан. У ерда эса қизни... фоҳишалик қилишга кўникиш, бир-икки йил маҳаллий ишратхоналарда ўз танини пуллаш қисмати кутмоқда эди.

Кармана туманида яшайдиган Равшан Қодировга ўзини қариндош қилиб кўрсатишга ҳожат ҳам бўлмади. Унинг қабих ниятларидан тўқилган тўрига Қодировни, таъбир жоиз бўлса, мактабда ўқиб юрган пайтларидан биладиган элатлари илindi. Бундай таниш-билишчилик одамлардаги хавф-хатар туйғусини ўтмаслаштириб қўйди шекилли, улар Равшаннинг Россия

диёрида яхшигина, мўмай ҳақ тўланадиган мавсумий ишлар ҳақидаги тўқималарига чиппачин ишондилар-қўйдилар. Ёлғонга учган ана шундай танишлардан бири 30 ёшли Абдумалик Камолов Россияга борганидан кейингина Қодировнинг эртақмонанд гаплари пуч эканлигини билди. Қодиров рус диёрига борганлари ҳамони унинг паспортини олиб қўйди ва қўлдек ишлатди. Тутқун йигит орадан ярим йил ўтганидан кейингина эркинликка чиқиб, ўз юртига қайтишга муваффақ бўлди ва “иссиғида” ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза билан мурожаат этди. Яна одам “овлаш” учун келган пайтда Қодиров қўлга олинди ва унга нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Одамфурушлар тўрига оилалар ҳам тушиб қолаётганлиги ҳолати ташвишлантирмай қолмайди. Одатда булар асосан ёш оилалар бўлиб, эр-хотинларнинг ёши 30 га бормайди, уларнинг битта ёки иккита вояга етмаган болалари ҳам бўлади. Ёш эр-хотинлар меҳнат муҳожирлари қаторини тўлдириш билан ўзларинигина эмас, балки парвариш ва қаровга муҳтож кекса ота-оналарига ёки яқин қариндошларига қолдириб келган болаларини ҳам таҳдид остига қўядилар.

Навоий вилоятида одам савдоси муаммосини ҳал этишга комплекс тарзда ёндашиб, ҳам маъмурий ресурсни, ҳам жамоат ташкилотларини ишга сола бил-

дилар. Одам савдосига қарши кураш бўйича вилоят маъмурияти бошлиғи раислигида идоралараро ҳудудий комиссия тузилди. Ички ишлар, соғлиқни сақлаш, молия, божхона, адлия, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, халқ таълими, ўрта махсус ва касб-хунар таълими бошқармаларининг, Хотин-қизлар кўмитасининг, “Маҳалла” жамғармасининг, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг, Омбудсманнинг вакиллари мазкур комиссия таркибига киритилди. Комиссия ҳузурида одам савдосининг олдини олиш ва бу йўналишдаги жиноий ҳолларни аниқлаш мақсадида мунтазам равишда мониторинг олиб борадиган ишчи гуруҳ фаолият кўрсатиб келмоқда.


Комиссия фаолияти одам савдосига қарши кураш юзасидан самарали чоралар излаш билан чекланиб қолмаслиги инobatга олинса, бу борадаги иш нақадар серқирра эканлиги аён бўлади. Йўл-йўлакай чиқиб қолувчи ҳар хил ҳолатларни ҳам эътиборга олиш зарур. Зотан мамлакатимиз сарҳадларидан ташқарига пул ишлаб келиш мақсадида жўнаб кетган баъзи фуқаролар экстремистик гуруҳлар тўрига тушиб қолаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Қолаверса, жорий йилнинг биринчи ярмида хориж сафаридан қайтиб келган қарийб 200 кишида ҳар хил юқумли касалликлар аниқланди.

Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари маҳаллаларнинг вакиллари билан биргаликда жойларда мунтазам равишда учрашувлар ўтказиб туришибди. Бундай тадбирларда долзарб муаммолар, одам савдоси жабрдийдасига айланган фуқароларимиз дуч келган таҳдид-таҳликалар ва уларнинг оқибатлари муҳокама этилади. Рисолалар, эслатмалар чоп этилмоқда. Ички ишлар бошқармасининг “ишонч” телефонларига оид хабарлар жамоат жойларида, серкатнов кўчаларда осиб қўйилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, маъмурлар ҳам, жамоатчилик ҳам одам савдоси жабрдийдасига айланган фуқароларимиз ҳақида ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Уларга тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда, меҳнатга жойлашиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда яқиндан ёрдам берилмоқда. Бу жиноятдан жабр кўрган кишиларга психологик ва тиббий ёрдам курсидан ўтиш учун мамлакатимиз пойтахтидаги Республика реабилитация марказига ихтиёрийлик асосида, текин йўлланма берилмоқда. Йил бошидан буён 7 нафар навоийлик Марказ хизматларидан фойдаланди.

Амир МАҲМУДОВ,
ўз мухбиримиз.
Навоий шаҳри.



ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича адвокат, юридик хулосалар бериш. МЧЖ, ХКни мутлақ сифат даражасида рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш*.
Тел.: 936-06-02, 970-65-91.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

ХИЗМАТЛАР

Кимёвий тозалаш: ковроланлар, гиламлар, юмшоқ мебель ва автомобиль салонини кимёвий тозалаш.
Тел.: (+99893) 520-77-70, (+99894) 659-50-07.

Картрижларни тўлдириш. UzKART, ОН-ЛАЙН терминаллар жойига чиқиш билан.
Тел.: 235-19-91, 171-99-28, 162-34-55. www.likan.uz

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда.
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: 556-61-31, 974-54-03.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

top

РЕКЛАМАНИ
ЖОЙЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ
БЎЙИЧА ҚўНГИРОҚ
ҚИЛИНГ:
283-32-31, 283-36-32.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Зулфия Раҳимбекова

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келмавермайдиги.
Таҳририят муштарилар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Норма маслаҳатчи»га эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан таъёрланган диапозитивлар ёрдамида “ТОПРИНТ” МЧЖ басмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1145 Адади 2140. Баҳоси келишилган нархда
Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилди.

Газета 2013 йил 9 сентябрда соат 18.30 да топширилди.

ISSN 2010-5223